

# СЕКЦИЯ № 1. ПЛЕНАРНОЕ ЗАСЕДАНИЕ

---

УДК: 619.616.989

## PROSPECTS OF VETERINARY SCIENCE AND IMPORTANT TASKS IN THE DEVELOPMENT OF THE SECTOR

**Elmurodov Bozorboy Aktamovich,**

*Doctor of Veterinary Sciences, Director of the Scientific Research Institute of  
Veterinary*

**Abstract:** The article describes the results of scientific research conducted at the Institute of Veterinary Research over the past five years, the publication of recommendations, patents, guidelines and guidelines developed by scientists.

**Keywords:** development of science, diversification, veterinary medicine, immunology, microbiology, tuberculosis, brucellosis, pasteurellosis.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМ-ФАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

**Элмурадов Бозорбой Актамович,**

*в.ф.д., Ветеринария илмий тадқиқот институти директори*

**Аннотация:** Мақолада ветеринария илмий тадқиқот институтида охирги олти йилда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари, олимлар томонидан яратилган тавсиялар, патентлар, қўлланма ва йўриқномалар чоп этилганлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** Илф-фанни ривожлантириш, диверсификациялаш, ветеринария дори-дармонлари, иммунология, микробиология, туберкулёз, бруцеллез, пастереллез.

## ПЕРСПЕКТИВЫ ВЕТЕРИНАРИИ И ВАЖНЫЕ ЗАДАЧИ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛИ

**Эльмурадов Бозорбой Актамович,**

*д.в.н., директор Научно-исследовательского института ветеринарии*

**Аннотация:** В статье описаны результаты научных исследований, сотрудников НИИ ветеринарии за последние шесть лет, публикации рекомендаций, патенты, руководства и другие разработки ученых.

**Ключевые слова:** развитие науки, диверсификация, ветеринария, иммунология, микробиология, туберкулез, бруцеллез, пастереллез.

Ветеринария илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28-мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5696-сонли Фармони, ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–4254-сонли қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ҳамда “Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021–2030 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси”да белгиланган топшириқ ва чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминлаш, институтнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Илмий тадқиқотлар натижасида маҳаллий штамлар асосида қорамолларнинг тейлериоз касаллигига қарши вакцинанинг реактогенлик ва иммуногенлик хусусиятлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг колибактериоз, пастереллёз ва сальмонеллёз касалликларига қарши маҳаллий поливалентли ГОА формол вакцинанинг самарадорлиги ўрганилди ва унинг таъсир фаоллиги 100 фоизгача бўлиши аниқланди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бруцеллёз касаллигига қарши қон зардобининг миллий стандарти ишлаб чиқилди. Қорамолларнинг туберкулёз касаллигига қарши “Биомайрин” препаратининг самарадорлиги ўрганилди.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари қутуриш касаллигининг вирус штаммларидан референс ва вакцина штаммлари олишига эришилди. БВ-А-КХ-2018-8 лойихаси асосида ветеринария биопрепаратларини тайёрлашда фойдаланиладиган микроорганизмлар штаммларининг биологик, морфологик, иммунологик хусусиятлари ўрганилиб, 12 тасига паспортизация қилиш услуги ишлаб чиқилди.

ЎзФАнинг УМК Институти билан ҳамкорликда яратилган маҳаллий, Навои Азот ИБда ишлаб чиқарилган “Альсус” препарати Жиззах вилоятининг “**Golden territoriya**” МФЖда **9000 бош** қўй-эчкиларда тадбиқ қилинди. Госсипренли озуқавий қўшимчаларни бевосита фермер хўжаликлари шароитида синаш тажрибаларига тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг хафли паразитоз ва табиий ўчоқли трансмиссив касалликларидан муҳофаза қилишнинг янги экологик безарар ва самарали услуги ишлаб чиқилди. Шунингдек, “**Фоспренил**” ва “**Мексидол**” препаратларининг организмга захарлилик даражаси ўрганилди.

Институт олимлари томонидан охириги беш йилда **30 дан ортиқ** ишланмалар яратилиб, **14 та патент** олинди, **10 дан ортиқ монография**, **5 та дарслик**, **20 дан ортиқ тавсияномалар**, **30 та қўлланма** ва **40 та йўриқнома**, шунингдек, **300 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар** чоп этилди. Докторант-тадқиқотчиларни тайёрлаш ва устоз-шогирд мактабини яратиш соҳасида **12 та фан доктори** **6 та фалсафа доктори** диссертация ишлари ёқланди.

## Институтда 2016–2021 йилларда чоп этилган илмий ишлар

| Йиллар | Яратилган ветеринария препарат-лари | Патентлар | Монографиялар | Тавсиялар | Услубий қўлланмалар | Йўриқномалар | Илмий мақолалар |        |              |
|--------|-------------------------------------|-----------|---------------|-----------|---------------------|--------------|-----------------|--------|--------------|
|        |                                     |           |               |           |                     |              | Хорижий         | МДХ да | Республикада |
| 2016   | 3                                   | 2         | 1             | 4         | 4                   | 5            | 3               | 2      | 47           |
| 2017   | 2                                   | -         | 3             | 5         | 8                   | 6            | 2               | 3      | 65           |
| 2018   | 3                                   | 3         | 2             | 4         | 5                   | 4            | 4               | 7      | 71           |
| 2019   | 2                                   | 2         | 4             | 6         | 9                   | 5            | 8               | 5      | 96           |
| 2020   | 3                                   | 3         | 2             | 5         | 11                  | 8            | 5               | 8      | 114          |
| 2021   | 3                                   | 3         | 3             | 10        | 10                  | 12           | 8               | 12     | 145          |

Сунги йилларда институт олимлари томонидан **16 турдаги** ишланмалар (вакцина, диагностикум ва бошқ.) яратилиб, уларни ишлаб чиқаришда жорий этиш хисобига 2016-2021 йиллар давомида **700 дан** ортиқ **хўжаликлар** билан жами **4,2 млрд сўмлик** шартномалар имзоланди ҳамда республика фермер хўжаликларида мазкур касалликларнинг олди олиниб келинмоқда.

Охирги йилларда институт олимлари томонидан ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидагиларга эришилди: – “Зообиоценозларни биологик мақбуллаштириш усуллари” ишлаб чиқилди;

– Ўзбекистонда қорамолларнинг тейлериоз касаллигига қарши маҳаллий штаммлар асосида “Қорамолларнинг тейлериоз касаллигига қарши вакцина”нинг илмий асослари яратилди;

– Чорва ҳайвонларининг пастереллез, колибактериоз ва сальмонеллез касалликларига қарши ГОА формол вакцина яратилди;

– Чорва ҳайвонларининг бруцеллез касаллигини аниқловчи сутда “ҳалқали реакция” учун рангли антиген яратилди;

– Чорва ҳайвонларининг юкумли, юкумсиз ва паразитар касалликларига қарши маҳаллий биопрепаратлар, диагностикумлар яратилди;

– Асалари, қуён ва балиқ касалликларига ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди;

– Ўта хафли касалликлар (қутуриш, бруцеллез, туберкуллез, куйдирги, оқсил, қорасон) касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш борасида дунё ветеринария фаниининг янги услублари ўрганилди.

**Хулоса ва таклифлар:** Институтда мавжуд бўлган илмий салоҳият ва ресурслардан оқилона фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларининг юкумли, юкумсиз ва паразитар касалликларига ташхис қўйиш ва олдини олишнинг замонавий услублари яратилди. Чорва ҳайвонлари махсулотлари ва ветеринария препаратларини назорат қилиш, стандартлаштириш ҳамда сертификатциялаш услублари ишлаб чиқилди.

Ветеринария соҳасида молекуляр-биологик (ген инженерияси), вирусологик (хужайралар культураси), иммунологик ва генетик услубларни ўрганиш эвазига юқори самарадорликка эга экологик тоза ветеринария маҳсулотларини яратиш услублари ўрганилди. Республикада эпизоотик барқарорликни сақлаш, янги турдаги касалликларни ўрганиш, чет давлатлардан хавфли касалликларнинг кириб келишини олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.